

Адабиётшунослигимизда миф ва ижод аро умумий жихатлар, мифнинг барча ижод турлари билан муносабати масаласи, бу икки тушунчанинг генезис нуктаи назаридан алокадорлиги, мифнинг бадиий адабиётдаги ўрни, адабиёт таркибида яшаш шартлари ва усуллари, бунда ижтимоий, тарихий, маданий омилларнинг ахамияти, айна жараёнларнинг онг ва онг ости психологиясига доир талкинлари каби катор муаммолар борки, буларнинг хар бири махсус тадқиқотлар учун мавзу бўлади. Ушбу маколани ёзишдан мақсад эса санаб ўтилган назарий муаммолар силсиласига кирувчи, миф ва ижод синтезига доир долзарб бир масала атрофида фикр юритишдир. Масала мохияти мифологиянинг эксцентрик нуктаси бўлган

### **хаос**

ва

### **космос**

тушунчаларининг

### **бадиий ижод жараёни**

билан боглик жихатларини аниқлашга уринишдан иборат.

«Мифология лугати»да юнонча хаос истилохи «Дунё яратилишига қадар мавжуд бўлган, жазирама ва зулмат, чексизлик ва бўшлиқдан иборат борлик» (-М., Просвещение), деб изоҳланади. Қадим юнон адиби Гесиоднинг «Телегония» асаридаги талкинга кўра, хаосга хос сифатлар комос яратилгандан кейин ҳам Тартар (ер ости дунёсинг энг тубида яшовчи қора қуч), Эреб (қайгу, изтироб), Эрос (хаоснинг космос дунёсидаги айнияти, офат ва тартибсизлик, жилов билмас шахвоний энергия), Никта (зулмат) каби яратиклар шакли шамойилида давом этган.

Космос эса макон, замон, тартиб ва тараккиёт тушунчаларидан холи хаос таркибида яшаган ва, айна пайтда ушбу тушунчалар инъикоси бўлиб яратилган феномен хисобланади. Дастлабки макон(хаос)идан ажралиб чиққач, мустақил функция бажаршига ўтган космос эндиликда ўз таркибига хаотик қучларни ҳам қамраб олади ҳамда хаотик қучнинг зидди сифатида асл мохияти учун хизмат қила бошлайди. Шу ўринда барча моддий ва номоддий, табиий ва нотабиий жараёнлар негизида айна тизим (беқарор, ночизикли ҳаракат)ни илгаш ҳамда тўғри баҳолашнинг натижаси ўларок майдонга қелган синергетика фалсафасини эшлаш, эътироф этиш лозим. Умуман, хаос ва космос аро бундай циркуляр муносабатни парадоксал мантик тили билан космос тартибга солинган хаос, хаос эса издан чиқарилган космосдир, дея ифода қилиш мумкин.

Жахон тан оладиган диний китобларда, жумладан Шарк идеалистик фалсафасида бундай мураккаб тушунчалар тартиб- тартибсизлик, эзгулик-ёвузлик, яхшилик-ёмонлик, нур-зулмат жуфтликларида аниқ, содда талкин этилади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш жойизки, Шарк ва /арб идеалистик фалсафаси зохиран жуфт кўринувчи тушунчаларнинг ҳар бирини амбивалент (икки томонли) ходиса сифатида ўрганади. Бунга кўра, эзгулик, ёвузлик, тартиб, тартибсизлик, яхшилик, ёмонлик, нур ва зулмат тушунчалари абсолют мустақил ҳолатида ҳам диалогик моҳият касб этади. Универсал маънодаги ҳаёт тушунчаси негизида айнан шу абсолют моҳият ётадики, буни англаган ва англаш мумкин бўлмаган, абадий ва ўткинчи нарса-ходисаларнинг барчасига нисбатан татбиқ этиш мумкин.

Диний ва мифологик талкинга кўра, инсон моҳиятан космос гоёсининг маҳсули ёинки шу феноменнинг ўта кичик шакли (микрокосм)дир. Гарчи космос (макрокосм-борлик дунё) макон ва замон нуктаи назаридан Одамга нисбатан аввалроқ, чексизроқ яратилган бўлса-да, унинг вазифаси, моҳияти инсонга хизмат қилишдангина иборат. Яъни космоснинг мавжудлиги лаҳзалик инсон умри, унинг зарра вужуди воситасида мантик касб этади. Мазкур концепция умумборлик фаолиятининг исталган нуктасига нисбатан мутлоқки, унинг негизида ижодий жараён муммосини ўрганиш ҳам ўзига хос самара беради, деб ўйлаймиз.

Кенг маънодаги ижод жараёнини санъат сўзи негизида талкин этадиган бўлсак, масаланинг ечимига қисқа йўл билан, қолаверса, чуқурроқ кириб бориш имкони тугилади. Маълумки, санъат сўзи ясамок, ишламок, сайкал бермок маъноларини билдиради. Арабча санъатун (صنعت) сўзидан олинган бу истилоҳ маъно жихатидан европача искусство сўзига ҳам айнан мос келади. Истилоҳнинг фалсафий-этимологик моҳияти табиат ёхуд борликда хаотик (тартибсиз) шаклда мавжуд бўлган манба (материал)ларни ақл, ҳиссиёт, жисмоний куч воситасида муайян тартиб (космос)га айлантиришда намоён бўлади. Дейлик, меъмор томонидан тартибга солинган материал (тош, тупроқ, ёғоч ва х.к.)лар воситасида ўзига хос санъат намунаси бунёд бўлади. Композитор хаотик вазиятда мавжуд бўлган товушларни маълум тартибга келтириб мусика ижод этса, рассом ранглардан, раққос ҳаракатлардан фойдаланиб санъат асарини дунёга келтиради. (Айни ўринда ушбу жараён проф. Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» асарида санъат турларини белгилаш воситаси сифатида қайд этилганини таъкидлаш жойиз-У.Ж.) Шу тарика хаотик борлик космик борликка эврилади. Натижада санъат ходисаси юзага келади ва бутун борлик (макрокосм) инсониятга хизмат қилгани каби, у ҳам Одам болаларига эстетик завқ бериш, тарбиялаш вазифасини ўтай бошлайди. Воқеан, санъатининг дунёга келиши, шаклланиши ва таракқиётига сабаб ҳам унга нисбатан мантикий бир эҳтиёжнинг мавжудлигидир. Чунки ҳамма ҳам хаотик ҳолатдаги материалнинг ўзидан эстетик завқ ола билиш салоҳиятига эга эмас. Истеъдоднинг ҳаммага ҳам берилавермаслиги эса аксиома. Хаотик вазиятдаги

борлик истеъдодлар- «танланганлар» томонидан тартибга солингачгина умуминсоний фаолият йўлида «ишлай» бошлайдики, шунга асосан том маънодаги санъат ходисаси ноёб ижодий жараён воситасида тартибга солинган хаос, яъни космос десак, тўғри бўлади. Шунингдек, мазкур хулосамиз юкорида талкин этилган умумборлик конуниятлари билан айниятда эканини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Энди ушбу хулосани бевосита сўз санъати ва бадиий ижод жараёни билан богликлигини асослашга уриниб кўрайлик.

Шарк ва Гарбнинг буюк донишмандлари эътирофича, адабий асар хаотик сўз дунёсидан (сўз водийларидан) дур термок билан хосил бўлади. Бу йўлдаги изланиш, изтироб, машаккат ва коникиш каби катор холатлар тизими ижод жараёни, деб аталади. Адабий тур ва жанрлар, бадиий асар композицияси, сюжети, фабуласи, услуб, вазн, кофия, бадиий санъат сингари назарий тушунчаларнинг юзага келиши ҳам мана шу сўз водийлари бўйлаб сафар килиши, ундан дур териш ёхуд хаосни космосга ўгириш жараёни билан боглик. Ижод жараёнида сўз бўронини жиловлаш йўсини, уларга мазмун ва шакл бериш тарзига кўра турли адабий метод ва окимлар майдонга келган.

Тартибга беистисно риоя килиш, сўзни катъий мазмун ва шакл колипига бўйсундириш оркали классицизм, сўз функциясини мумкин қадар таълим-тарбияга йўналтириш оркали маърифатчилик, сўзга каноат боғлаб самовий идеалларни ифодалаш оркали романтизм, унга тушкунлик либосини кийдириш ва сўзни фожиа, зулмат оханглари билан ўраш оркали сентиментализм ҳамда барокко, сўзни мутлок рамзга айлантдириш оркали символизм, сўз устига хаёт хакикатини шафкатсиз ва аник ифодалаш мажбуриятини юклаш оркали танкидий реализм ҳамда реализм, сўз тўзонига мутлок эрк беришга интилиш оркали модернизм адабиёти тугилади ва хоказо. Диккат билан каралса, хаминқадар бир жумлада ифодаланган, аслида томлаб тадқиқотларни талаб этадиган бу адабий оким ва методларга хос унсурлар XX асрнинг икки йирик окими реализм ва модернизмда умумлашади.

Маълумки, реализм адабиёти хаёт хакикатини бадиий акс этириши, инсониятни ёвузлик ва зулматдан огоҳ этиши, уни юксак идеаллар асосида тарбиялашга йўналтирилгани билан эзгуликка хизмат килади. Бунда албатта ўзгача бўлган адабий анъаналарга таянади. Реалист-ижодкор учун эзгуликка хизмат килиш, юксак умуминсоний идеалларни қуйлаш микро ва макрокосм гармонияси сифатида воқеа бўлади. Шу боис реалистик асарда тасвир этилган хаостик кучлар (каллоблар, котиллар, ўғриллар, мунофиклар, хоинлар, жинлар, шайтонлар, вахшийлар каби) ҳам гуманистик талкинга хизмат килади. Бунга жахон реализм адабиётининг подшоси Л. Толстой ижодидан

истаганча мисол келтириш мумкин. Жахон адабиётида шундай асарлар борки, уларда вокелик харакат ва нутк зохиран хаотик шакл касб этса хам, мохиятан космосни талкин килади. Европа Уйғониш адабиётининг мумтоз номояндалари Мигель де Сервантес, Франсуа Рабле, Вильям Шекспирлар ижоди бундай хулосага тўла асос беради. Энг мухими эзгуликка хизмат киладиган адабиёт кайси шаклда бўлмасин гуманизмни тарғиб этади.

Юкорида модернизм адабиётини сўз бўронига мутлок эрк беришга уринувчи оким, дея таърифладик. Энди ушбу таърифни янада ривожлантириб, модернизм-хаотик сўз оламини айнан акс этиришига жахд килган оким дейишдан кўркмаймиз. Негаки, илдизи узок, ўтмишга такаладиган модернизм хали-хамон хаотик сўз олами(подсознания)ни фотографик акс этиришига жахд этади, аммо бу харакат бор-йўги уринишдан нарига ўта олмайди. Зеро, модернизм бу борада мутлокликка эришиши мумкин хам эмас. Мохиятида файласуф Иммануил Кантнинг «Гениал ижод аклдан абсолют маънода узилиш оркали юзага келади», деган нисбий концепцияси ётувчи модернизм бундай мутлокликка эришиши мумкин эмаслигини ўзининг узок фаолияти билан исбот этиб келяпти. Аммо юкоридаги фикрларимиз билан ҳеч қачон, ҳеч бир инсон зоти бу борада абсолютизмга эриша олмайди демокчи эмасмиз, асло. Чунки бу вазифани инсониятнинг ягона тоифаси ибтидодан бери юз фоиз «уддалаб» келади. Булар И. Кант таъбири билан айтганда «аклдан абсолют маънода узилган» кишилар бўлиб, афсуски бирор модернист уларни гениал тугул, оддий ижодкор деб хам тан олмайди.

Хаётнинг шафкатсиз зарбалари ёхуд тугма кемтиклик туфайли мавжуд бўлган бу тоифа танлаш беимкон, инсон зоти англаши мумкин бўлмаган сабабиятга эга қисматнинг ҳукмидалар. Улар ниҳоятда кўп ё жуда оз, баъзан эса умуман сўзламайдилар. Уларнинг лексикони фақат мавжуд тилларнигина эмас, хатто бирор миллат тилида мавжуд бўлмаган, инсон зоти сира эшитмаган «сўз»ларни хам камраб олиши мумкин. Нуткнинг бундай турида узлуксизлик, охангдорлик, ритмик тизим ва сўзсизлик шу даражага етишиши мумкинки, унинг чек-чегарасини белгилашга ақл ожизлик килади. Бирок инсоният тарихида бирор кимса хали уларни гений деган эмас, демайди хам. Чунки уларнинг асл номалари...

Биламизки, қисмат бу-махкумият. Телба одам кўнглига келганини сўзлар ёки сўзнинг хаотик кийфасини фотографик акс эттирар экан, ихтиёри ўзида бўлмайди. У ўз харакатлари билан инсониятга хос ёвузликларинигина эмас, балки энг эзгу қадриятларни хам рад этади. Шу боис уни ақли бутунларнинг на яхшилари, на ёмонлари кабул кила оладилар.

Телбалар инсон мохиятига тамомила зид бўлган хаосни ифода этса-да, одамлик сифатдан ташкарида саналмайдилар. Чунки улар шунга махкумлар. Уларда танлаш имконияти йўқ. Модернистда(Бундан кейин ҳам «мадернист» сўзи модернизм вакили сифатида қўлланади. Буни «янги адабиёт» маъносида тушунмаслик керак.) эса танлаш имкони бор. У махкум эмас. Негаки у, ўзи истаган тақдирда ҳам, аклдан юз фоиз холи бўла олмайди. Модеризм ижодкори сўзнинг хаотик дунёси ичра бесамар кезинар экан, унинг айнини суратга туширишга беҳуда уринади. Чунки телба эмаслиги, акли унга халал беради. Шу боис модеризм мухитида тугилган образ нутки телбаники сингари мавхум, зерикарли ва гайриоддий бўла олмайди. Албатта унинг ҳам нутки ва харакати замирида телбага хос космосни инкор этиши ётади. Аммо модернистдаги истак, майл сира ҳам телбадаги ҳукм макомига кўтарила олмайди.

Гуманистик нуктаи назаридан модернизм фалсафаси ва адабиёти шунчаки хавасдан тугилган деб бўлмайди, албатта. Холис кузатганда модеризмнинг энг ибтидоий шакли ҳам антигуманистик мухит таъсирида юзага келгани ойдинлашади. Дейлик, барокко эстетикасининг (хусусан, гангоризм) майдонга келиши Ўрта аср Европасининг тургун ва коронгу мухити билан боглик бўлса, абсурд ва экзистенциализм фалсафасининг газак олиши икки жаҳон уруши билан боглик. Жамият кишисининг кўз ўнгида хаосга айланган дунё, инсоннинг топталган кадр-кимати маълум кишиларда умуман хаётнинг бўлиши шу деган карашни катъийлаштирган эди. Аммо акл юргизиб каралса, вахшийлар тўдасига кириб коган Одам боласи инсон бўлиб қолиши учун ўзининг инсонийлигидан эмас, балки шу вахший тўдадан «бегоналашуви» (отчуждение-З. Фрейд) лозим эмасми?!

Модернизм эстетикасида айни мураккаб жараён икки шаклда акс этадики, бу нозик фаркни англамаслик ўқувчини боши берк кўчага олиб кириб қўйиши мумкин. Бунинг **биринчи кўриниши**

бевосита мантикдан холи, маънисиз, бетартиб харакат ва сўз тизмаларида намоён бўлса,

**иккинчи кўриниши**

зохирий тартиб, шакл ва мазмундорликда ифода этилган хаотик талкинда юз кўрсатади. Юзаки карашда биринчи кўриниш космос мохиятига зидрок бўлиб туюлса-да, иккинчи кўринишидан қолишмайди. Хатто ботинида хаотик мазмун яшринган космик шакл кўриниши жозибалирок, алдамчирок бўлади.

Ушбу фикрни теранрок англаши учун бугунги ўқувчига бир қадар таниш модернизм адабиёти вакиллари ижодига муурожаат этиш мумкин.

Масалан, Жеймс Жойснинг «Улисс», Франц Кафканинг «Калъа», «Жараён», Сэмюел

Беккетнинг «Годони кутиш» каби асарлари композицияси, сюжети, фабуласи, ҳаракат ва нутки ўзининг хаотик шакли билан инсон ҳаётининг яшашга арзимаслиги, маънисизлиги, Одам боласининг абадий ёлғизлиги, умидсизлиги, ташландик, ҳакир бир мавжудот экани ҳақидаги абсурд фалсафани ифодалайди. Бирок бундай асарларда на муаллиф, на қаҳрамон бу сўзларни ошқор этади. Хусусан, «Жараён» романида номаълум сабаб билан ҳибсга олинган Йозеф К. нима гуноҳ қилганини англаш йўлида сарсари кезинар экан, айнан шу гайримантикий фаолият, унинг тақдирига мутлоқ алоқасиздек туюлгучи сўзлар тизмаси, мубҳам ҳаракат ва воқеалик укувчи онги остига абсурд гоёсини гайриихтиёрий сингдиришга хизмат қилади. С.Беккетнинг «Годони кутиш» трогикомедиясида ҳам, баъзи очик ишоралар кўзга ташланса-да, асосан шу принцип етакчилик қилади. Бор-йўғи битта персонаж катнашадиган икки пардали бу пьесада оқил ва сабрлироқ (Владимир)ка ҳам, бесабр ва тутруксизроқ (эстрагон)ка ҳам, Бой ва такаббурак (Поццо)ка ҳам, ожиз бир малай (бола)га ҳам, телба-манкурт (Лакли)га ҳам Годо (Худо) нинг эътибори бир хил-эътиборсизлик.

Шу ўринда Беккет манкурт Лакки тилидан хаотик нутк (онг ости оқими)ни беришга уринади:

«Поццо: . . . Ўйла!»

Лакки: Тангрининг хусусий мавжудлиги қандайки шундоқ тасаввур этилгани каби Ресферд Ватманнинг яқинда ёзилган оммабоп рисоласида қайд этилганидек сифатлидан сифатли кулранг соқолли ўйда ўйланган вақтдан холи қўл етмас юксакликдаги **апатии** Худо **афазии** худо **атаксии** Худо ҳамон мавҳумлардан ташқари ҳаммамизни севади...» (Литературные иллюстрации, №10, С.178. Рус тилидан иқтибос-таржима бизники

–У.Ж. Курсивга олинган сўзларни таржима қилиш имкондан ташқарида). Холис қараганда, Лаккининг нутқи телбанинг нутқидан кўра ҳаётдан кўп нарса англаган, Худодан умидвор қимсаннинг сўзларига ўхшаб кетади. Тўлиқ ҳолатида ички экзистенциал мантикка эга бўлган бу нутқ Беккетнинг гайриихтиёрий истакларини ошқор этади. У ихтиёрий тарзда Лакки тилидан абсурд фалсафасини беришга уринар экан, гайришуурий ҳолатда инсоннинг эзгуликка, маълум қонуниятларга, айниқса Худога муҳтож эканини ифода этади. Уни инсон фитратида яшрин асл табиат, мантикий тизим шунга олиб келади. Ушбу нутқда Худога нисбатан сатирик муносабат кўзда тутилган бўлса ҳам, муаллиф яратгандан шафқат ва муҳаббат умид қилади.

Модеризм адабиётига хос иккинчи талкин шаклини Альбер Камю ижоди мисолида кузатишимиз мумкин. Унинг ўзбек тилига ўгирилган хар икки асари («Бегона», «Вабо(ўлат)») да ҳам вокелик, образлар фаолияти, структурал компонентлар айна рисоладагидек. «Бегона» киссаси кахрамони Мерсо ҳам, «Ўлат» романи кахрамони Бернар Риэ ҳам аник максад йўлида харакат килади, жўн одамлар сингари турмуш кечирарди, сўзлайди. Бирок мана шу аниклик, мантикли харакатлар абсурд номли куч ёки хукм остида хечга айланаверади. Мерсонинг истак ва интилишлари жохил жамият тарафидан махв этилса, Риэнинг инсонпарварлик фаолияти ўлат машинаси остида топтаб ташланади. Асарлар мохиятига чукуррок кирилса, зохиран зид табиатли, бошка-бошка ижтимоий мухитда яшовчи, турли вазиятдаги бу икки кахрамонни ягона куч ўз хукмига оладики, унинг асл номи абсурддан бошка нарса эмас. Шуни таъкидлаш жойизки, хар икки кахрамон Камю абсурд дея талкин этган такдир йўлларида эмас, балки муаллиф аник максадни кўзлаб, тафаккурда бунёд этган абсурд сўкмоклари аро бесамар кезади. Шу сабаб Мерсода инсоний табиат, доктор Реэда инсониятга хос мухит етишмайди... (Хар холда бу махсус ўрганиладиган масала.)

Модеризм хусусида билдирилган бу фикрлар мавжуд хакикатдан бир катра холос. Ижод жараёнида идрок ва мантикни инкор этишларини символизм, сюрреализм, абстракционизм, импрессионизм, иманжизм, хаотизм, ташизм, дадаизм каби бир сўз билан модернизм фалсафаси вакиллари очик-ойдин эътироф этадилар. Бунга далил сифатида XIX асрнинг бошлари Швейцарияда пайдо бўлган дадаизм окимининг асосчиси Царанинг «Хакикий дадаистик асар ёзиш учун турли мавзудаги афишалар, рекламалар, китоб, журнал, газеталардан сўзларни киркиб олиб, ёнма-ён кўйиш кифоя», деган сўзларини эслаш ўринлидир. Абстракционизм таркибига кирувчи хаотизм вакиллари эса турли унсур, шакл ва ранглардан иборат нарсаларнинг хаотик жойлашувини хакикий санъат асари, деб кабул килганлар. XX аср бошларида Италияда майдонга келиб, кейинчалик фашизм гоёсига асос бўлган футуризм ўзигача мавжуд бўлган барча санъат асарларини вайрон килинишини таргиб этади. Ва бундай фаолияти билан космосни емиришга шайланган хаотик кучни ифода этади. Хакикий футурист бахорни, яшилликни, нурни, мухаббатни, табассум ва кўз ёшини факат нафрату инкирозга махкум тушунча деб билади. Тараккиёт шиори остида вайронгарчилик, некрофиллик гоёсини илгари сўради.

Модернизмга доир барча окимлар инсониятнинг лексик бойлигига нигилистик муносабатда бўладиларки, бу хаос хукмидаги ижод жараёнининг айна ўзидир.

Хитойлик буюк файласуф Конфуций «Борликни маърифат ва эзгуликдан иборат буюк бир оким тутиб туради. Шу окимга кўшилиб суза билган инсонгина ўз мохиятига муносиб бўла олади» (Словарь по этике.-М., 1989), деган экан. Ўйлаймизки, донишманднинг ушбу сўзлари ижодий жараёндек ноёб ва ўта мураккаб фономенга ҳам тегишлидир.

Узок Жўракулов,

филолгия фанлари номзоди